**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХИВА ШАҲАР КЕНГАШИ**
**ҚАРОРИ**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI XIVA SHAHAR KENGASHI**
**QARORI**

---

**2020 йил "31"декабрь** **№ 34-114** **Хива шаҳри**

## Хива шаҳрининг 2021 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хоразм вилояти Хива шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Хива шаҳар маҳаллий бюджетига юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 17 057 630.0 минг сўм миқдорида тасдиқланмоқда.

2. Қонуннинг 12-моддасига асосан қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

– давлат ихтиёридаги ер майдонлари, бино ва иншоатларда реклама конструкцияларини ўрнатишга рухсат олиш учун тўланадиган йиғимлар, шунингдек ўрнатилган ташқи реклама объектлари учун тўланадиган ойлик

тўловлар;

– маҳаллий бюджетга ундириладиган ижара тўловлари.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ва шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

в) мобил алоқа хизматлари ва алкогол махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолиси сонининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2021 йил учун шаҳар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Шаҳар бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2021 йил учун шаҳар бюджети заҳира жамғармаси ҳажми бюджет умумий харажатларининг 1,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорда яни 594 038.0 минг сўмга белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини шаҳар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. 2021 йил учун шаҳар бюджетининг айланма маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари 552 000.0 минг сўмга мувофиқ белгилансин.

8. Шаҳар ҳокимлиги:

қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар шаҳар ҳокимликнинг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар:

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар

ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

9. Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

10. Шаҳар ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

11. Бюджетдан маблағ олувчи муассаса ва ташкилотлар тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

12. Шаҳар ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

PROTOKOL QISMI

**Сессия раиси** **А.Рахимов**

**Халқ депутатлари**
**Хива шаҳар Кенгашининг**
**2020 йил «31» декабрдаги**
**34-114-сонли қарорига**
**1-илова**

## Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

| Т/Р | Даромад турлари | Миқдори |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **43 285 798** |
| | | |
| 1 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 5 547 406 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 9 285 500 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 1 546 694 |
| 4 | Қўшилган қиймат солиғи | |
| 5 | Акциз солиғи, жами | 7 167 535 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *- ароқ* | |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | *7 167 535* |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 3 866 061 |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 3 262 391 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | 2 457 301 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 2 479 124 |
| 10 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 81 629 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Ижара тўлови | 13 507 |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | |
| 16 | Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво) | 4 921 190 |
| 17 | Мобил алоқага акциз солиғи | 2 657 460 |

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабрдаги
34-114-сонли қарорига
2-илова




**Хива шаҳар бюджети харажатларининг 2021 йилги кўрсаткичлари**

минг сум

| № | Кўрсаткичлар | Миқдори |
|---|---|---|
| | **Харажатлар миқдори, Жами** | **60 343 428,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 60 343 428,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 0,0 |
| | Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар | |
| 1. | **Халқ таълими бўлими** | **5 161 609,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 5 161 609,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 2. | **Мактабгача таълим бўлими** | **6 468 509,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 6 468 509,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 3 | **Тиббиёт бирлашмаси** | **11 988 834,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 11 988 834,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 4 | **Маданият бўлими** | **870 911,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 870 911,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 5 | **Жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | **2 482 319,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 482 319,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 6 | **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими** | **694 642,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 694 642,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 7 | **Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар** | **17 684 140,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 17 684 140,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 8 | **Ободонлаштириш бошқармаси** | **8 222 470,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 8 222 470,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 9 | **Давлат бошқарув идоралари** | **3 925 013,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 925 013,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 10 | **Фуқаролаларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш** | **2 247 521,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 247 521,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 11 | **Захира жамғармаси** | **597 460,0** |
| | | |

**Халқ депутатлари**
**Хива шаҳар Кенгашининг**
**2020 йил «31» декабрдаги**
**34-114-сонли қарорига**
**3-илова**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI SHAHAR HOKIMI
PROTOKOL QISMI

## Умумдавлат солиқларидан Хива шаҳар маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

***Фоиз ҳисобида***

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Айланмадан солиқ | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Ижара тўловлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хива шахри | 100 | 50 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

**Халқ депутатлари**
**Хива шаҳар Кенгашининг**
**2020 йил «31» декабрдаги**
**34-114-сонли қарорига**
**4-илова**

**Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаси миқдори**

**минг сўмда**

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Заҳира жамғармалари миқдори** |
|---|---|---|
| 1 | Хива шахар | 594 038 |

**Халқ депутатлари**
**Хива шаҳар Кенгашининг**
**2020 йил «31» декабрдаги**
**34-114-сонли қарорига**
**5-илова**

**Хива шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори**

**минг сўмда**

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Миқдор** |
|---|---|---|
| 1 | Хива шахар | **552 000** |

**Халқ депутатлари**
**Хива шаҳар Кенгашининг**
**2020 йил «31» декабрдаги**
**34-114-сонли қарорига**
**6-илова**

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари**

**минг сўмда**

| Т/р | Шаҳар ва туманлар | Тартибга солувчи трансферт миқдори |
|---|---|---|
| 1 | **Хива шаҳри** | **17 057 630,0** |